учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

330 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг уставини тасдиқлаш тўгрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ӱзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази тузилмасини такомиллаштириш тўгрисида» 2012 йил 28 мартдаги 87-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг устави 1-иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўгрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 19 июндаги 118-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

 ${
m Toшkeht\ ш.,}\ 2012\$ йил $12\$ июль, 212-coh

330-модда

29 (529)-сон

Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 12 июлдаги 212-сон қарорига 1-ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг УСТАВИ

І. Умумий қоидалар

- 1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукукий тарбияни яхшилаш, ахолининг хукукий маданияти даражасини юксалтириш, хукукшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сон Фармони билан ташкил этилган.
- 2. Марказ адлия ва суд органлари хамда адвокатура ходимларини, хукукшунос профессор-ўкитувчиларни, шунингдек давлат бошкаруви органлари ва ташкилий-хукукий шаклидан катъи назар, бошка ташкилотларнинг юридик хизмати ходимларини (юрисконсультларини) кайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган давлат таълим муассасасидир.
- 3. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Адлия вазирлигининг буйруқлари, йўрикномалари, кўрсатмалари, шунингдек ушбу Уставга асосан амалга оширади.
- 4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил тузилмаси бўлиб, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида очилган хисоб ракамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган мухрга хамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгилар ва реквизитларга эга бўлади.
- 5. Марказ бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказ фаолиятига рахбарлик қилади.
 - 6. Марказнинг номи:

давлат тилида — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази;

инглиз тилида — Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan;

рус тилида — Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

7. Марказнинг манзили: Тошкент шахри, Ўзбекистон шох кўчаси, 15-уй.



29 (529)-сон — 47 — 330-модда

II. Марказнинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари

- 8. Адлия ва суд органлари хамда адвокатура ходимларини, хукукшунос профессор-ўкитувчиларни, шунингдек давлат бошкаруви органлари ва ташкилий-хукукий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимларини (юрисконсультларини) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказ фаолиятининг асосий мақсади хисобланади.
- 9. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари хисобланади:

давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда адлия, суд, юридик ҳизмат, адвокатура бўйича ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

захирада бўлган ва илк бор фукаролик ишлари бўйича туманлараро (шахар) ва жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари раислари ва судьялари, округ ва худудий харбий судлар раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик суди хамда вилоятлар ва Тошкент шахар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига такдим этилаётган шахсларни махсус курсларда ўкитиш;

юридик олий таълим муассасалари хукукшунослик фанлари профессорўкитувчиларининг малакасини ошириш;

бошқа соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш буйича шартнома асосида уқишлар ташкил этиш;

хуқуқшунослик сохасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

хукукшунос кадрларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чикиш ва такдим килиш;

хукукшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

III. Марказнинг хуқуқлари

10. Марказ ўз мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун куйидаги хукуқларга эга:

тегишли вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотлардан статистикага оид маълумотлар ҳамда зарур материалларни олиш учун мурожаат қилиш;

юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича уқувуслубий ишларни белгиланган тартибда ташкил қилиш ва уларни такомиллаштириш буйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўкув-услубий, илмий-амалий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик қилиш мақсадида олий таълим муассасалари ҳамда ҳорижий давлатлар муассасалари билан шартномалар тузиш;



ажратилган бюджет маблағлари ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда зарур жихоз ва анжомларни сотиб олиш;

ўкув дастурлари, дарсликлар, ўкув кўлланмалар, илмий маколалар тўпламларини нашр қилиш;

тежаб қолинган маблағларни, шунингдек шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблагларни ўзининг моддий-техника базасини яхшилашга, янги дарсликлар, ўкув кўлланмалар ва бошқа адабиётлар сотиб олишга, нашр этишга, ходимларни рагбатлантиришга сарфлаш;

ноширлик фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимининг долзарб муаммолари буйича даврий, илмий-назарий ва амалий нашрлар чикариш;

ўкув-услубий ишларга юкори малакали хукукшунос олимларни, тажрибали амалиётчи ходимлар ва хориждан мутахассисларни шартнома асосида жалб килиш;

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдикланган намунавий ўкув дастурларига асосан мустакил равишда ўқув режаларини тузиш, профессор-ўқитувчилар таркибини белгилаш:

ўз фаолиятини ривожлантириш учун модернизация ва янги технологиялар жамғармасини, ижтимоий ривожлантириш жамғармасини, моддий рағбатлантириш жамғармасини, валюта ажратмалари жамғармасини ташкил қилиш. Мазкур маблағлар олиб қуйилиши мумкин эмас, улар келгусида фойдаланиш учун йигилади;

халқаро конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларни ташкил қилиш ҳамда уларда иштирок этиш.

Марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Марказ тузилмаси ва бошқарув органлари

11. Марказ тузилмасига қуйидагилар киради:

Фуқаролик-хуқуқий фанлар кафедраси;

Жиноий-хукукий фанлар кафедраси;

Давлат-хукукий фанлар кафедраси;

Халқаро хуқуқ ва инсон хуқуқлари кафедраси;

. Узбекистонда демократик жамият құриш назарияси ва амалиёти кафедраси;

Ўкув-услубиёт бўлими;

Халқаро алоқалар бўлими;

Ахборот-компьютер бўлими;

Нашриёт бўлими;

Бухгалтерия;

Кутубхона;



Хўжалик бўлими;

кадрлар буйича катта инспектор.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказда қушимча равишда бошқа кафедралар, булимлар, лабораториялар очилиши мумкин.

12. Марказ фаолиятига директор рахбарлик қилади.

Марказ директори икки ўринбосарга эга: ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосар хамда молия-иктисод ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосар.

- 13. Марказ директори ва унинг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.
- 14. Марказ директори ўз ваколати доирасида қонун хужжатларига мувофик буйруқлар чиқаради ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

Директор қонун хужжатлари ва мазкур Уставга мувофик:

Марказ номидан иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг хуқуқларини химоя қилади;

директор ўринбосарлари ўртасида Марказ тузилмасига асосан вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ажратилган маблағлар ва иш ҳақи фонди доирасида лавозим маошлари сҳемасини, штатлар жадвалини, шунингдек Марказ таъминоти ҳаражатлари тизимини, маҳсус маблағлар сметасини, шу жумладан тингловчиларга турли пулли ҳизматлар курсатиш ҳаражатларини тасдиқлайди ҳамда уларга ӱзгартиришлар киритади;

ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бушатади;

Марказ ходимлари учун ойлик маош тизими ва рагбатлантириш жамгармасини таксимлайди;

Марказнинг мол-мулки, маблагларини тасарруф қилади;

шартномаларни имзолайди, ишонч қоғозлари беради, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида Марказ ҳисоб рақамларини очади;

белгиланган тартибда модернизация ва янги технологиялар жамғармасини, ижтимоий ривожлантириш ва валюта ажратмалари жамғармасини ташкил қилади;

юқори малакали профессор-ўқитувчиларга, илмий ходимлар ва бошқа ходимларга моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан тариф ставкасининг юз фоизигача миқдорда ойлик устама белгилайди;

Марказ ходимларини мукофотлайди ва зарур холларда уларга нисбатан интизомий чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ички меҳнат тартибини белгилайди, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ қушимча таътил муддатини белгилайди;

тингловчилар узоқ вақт сабабсиз машғулотларга қатнашмаган ёки ички тартиб-қоидаларни бузган тақдирда, уларни тингловчилар сафидан чиқаради ва бу ҳақда уларнинг иш жойига маълумот юборади;

илмий кенгашлар, конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларда Марказ номидан қатнашади;

Илмий кенгаш ишига рахбарлик қилади;

илмий тадқиқотчиларни Марказга бириктириш масалаларини кўриб чиқади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Марказ директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосари:

Марказ кафедралари ва Ӱқув-услубиёт булими, Халқаро алоқалар булими фаолиятига раҳбарлик қилади;

ўкув жараёнини ташкил қилишга бевосита рахбарлик қилади;

тингловчиларни ўқитиш тақсимот-режалари лойихаларини тайёрлайди; ўқув режаларини ишлаб чиқади;

ўкув-услубиёт бўлими ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ишини назорат қилиб боради;

хорижий давлатлар таълим муассасалари билан алоқа ўрнатиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш ишларига жавоб беради;

Марказ профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини йўналтириб боради;

Марказнинг Илмий кенгаши иш режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Илмий кенгаш муҳокамасига киритади;

Марказнинг ўқув-услубий ва илмий ишлари бўйича ҳисоботлар тайёрлайли:

директорнинг топшириғига кура бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Марказ директорининг молия-иқтисод ва хужалик ишлари буйича уринбосари:

Марказнинг Ахборот-компьютер бўлими, Нашриёт бўлими, Бухгалтерия, Кутубхона, Хўжалик бўлимига рахбарлик қилади;

хўжалик ишларини ташкил этади;

Марказ фаолияти бир маромда бориши учун уни керакли жихозлар билан таъминлайди;

Марказ биноларидан талаб даражасида фойдаланиш, биноларни зарур таъмирлаш ва капитал қурилиш ишларини ташкил қилади ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайди;

Марказнинг хужалик шартномалари мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, хужалик фаолияти буйича банк операциялари амалга оширилишини ташкил этади;

Марказнинг молия-хужалик ишлари туррисидаги режалари ва хисоботларини тайёрлайди;

директорнинг топширигига кура бошқа ваколатларни амалга оширади.

- 17. Марказ кафедралари, булимлари ва бошқа таркибий тузилмалари директор томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида иш олиб боради.
- 18. Марказ фаолиятига тааллуқли мухим масалаларни ҳал қилиш учун директор, унинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари, касаба уюшма қўмита-



си раиси, етакчи олимлар ва мутахассислардан иборат таркибда Илмий кенгаш тузилади.

19. Илмий кенгаш ўз фаолиятини Марказ директори томонидан тасдиқланадиган Илмий кенгаш тўгрисидаги низом асосида олиб боради. Илмий кенгаш иши йиллик иш режасига мувофиқ ташкил қилинади.

Илмий кенгаш:

мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва суд-хукуқ сохасида амалга оширилаётган ислохотларни чукурлаштириш хамда хукукшунос мутахассисларни замонавий технологиялар асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларини ҳал қилади;

илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилади ва *М*арказ номидан хулоса беради;

Марказ илмий тадқиқотчиларининг мавзуларини тасдиқлайди, уларни кафедраларга бириктиради;

кафедра мудирлари ва профессор-ўкитувчилар лавозимларини эгаллаш учун танловлар ўтказади;

профессор-ўкитувчиларни илмий унвонларга тавсия килади;

белгиланган тартибда Марказнинг фахрий доктори даражасини беради; намунавий ўкув дастурларини кўриб чикади;

Марказ, унинг тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини куриб чи- қади.

V. Марказ фаолиятини молиялаштириш

20. Марказ фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

шартнома асосида пуллик ўкитишдан тушадиган маблағлар;

давлат илмий-техникавий дастурлари руйхатига киритилган илмий дастурларни максадли молиялаштириш, давлат хокимияти ва бошкаруви органлари буюртмаси буйича танлов асосида бажариладиган ишлар учун ажратиладиган маблаглар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари; ҳонун ҳужжатлари билан таҳиҳланмаган бошҳа манбалар.

- 21. Марказнинг директори ва унинг ўринбосарлари, профессор-ўкитувчиларига олий таълим муассасалари ва илмий-тадкикот муассасаларида амалда бўлган мехнатга хак тўлаш микдорлари, колган ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари мехнатига хак тўлашнинг амалдаги шартларига мувофик тариф ставкалари белгиланади.
- 22. Марказнинг директори ва унинг ўринбосарлари, доимий асосда ишловчи кафедра мудирлари ва бўлим бошликларига адлия органлари ва

330-модда

муассасалари ходимлари учун белгиланган мартаба даражалари жорий эти-

23. Марказ ходимларининг олдинги иш жойидан берилган мартаба даражалари сақлаб қолинади.

Марказдаги иш даври мартаба даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

VI. Ўқув жараёнини ташкил қилиш

- 24. Марказ таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, иктисодий-сиёсий ҳаётининг замонавий талаблари, жамият ҳаётини янада тараққий топтириш ва янгилаш, шунингдек жаҳон фани ва маданияти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қуйиладиган давлат талабларига жавоб берадиган намунавий уқув дастурлари ва уқув режалари асосида амалга оширади.
- 25. Марказнинг ўқув режалари юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қуйиладиган давлат талаблари ва намунавий ўқув дастурларига асосан ишлаб чиқилади.
- 26. Марказда тингловчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш кундузги ўқиш шаклида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.
- 27. Марказга ўқишга юбориладиган ходимлар касбий йўналиши бўйича гурухларга бўлинган холда ўкитилади, уларнинг ўкиш вакти ва муддати Марказ билан келишилган холда тайёрланган хамда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди ва Адвокатлар палатаси томонидан тасдикланадиган таксимот-режаларга мувофик белгиланади.

Ўкишга юборилган ходимларнинг Марказга етиб келиши таксимот-режаларга асосан тегишли ташкилотлар томонидан таъминланади.

28. Марказда тингловчиларни ўкитиш:

малака ошириш курсларида икки ҳафтадан бир ойгача;

қайта тайёрлаш курсларида уч ойдан олти ойгача булиши мумкин.

Захирада булган ва илк бор фукаролик ишлари буйича туманлараро (шахар) ва жиноят ишлари буйича туман (шахар) судлари раислари ва судьялари, округ ва худудий харбий судлар раислари, раис уринбосарлари ва судьялари, Коракалпогистон Республикаси хужалик суди, вилоятлар ва Тошкент шахар хужалик судлари судьялари лавозимларига такдим этиладиган шахслар қайта тайёрлаш мақсадида уч ойлик курсларда уқитилади.

Шартнома-тулов асосида тингловчиларни укитиш муддати буюртмачи ташкилот билан Марказ уртасида тузиладиган шартнома асосида белгиланали.

29. Хуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш буйича таълим дастурларини муваффақиятли равишда узлаштирган

хамда таълим курси талабларини тулик бажарган тингловчиларга Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган намунадаги сертификат берилади.

- 30. Ўқиш муддати мобайнида тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Марказга ўқишга келган тингловчиларга ҳизмат сафари ҳаражатлари ўқишга йўллаган ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда қопланади.
- 31. Марказда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатлари адлия ва суд ходимлари, судьяликка захирага олинган ном-зодлар, юридик олий таълим муассасалари хукукшунослик фанлари профессор-укитувчилари учун давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланади.

Юридик хизматлар ходимлари (юрисконсультлар), адвокатлар ва бошқа тоифадаги тингловчиларни ўқитиш харажатлари ҳар бир киши учун ойига республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул ўтказиш йўли билан қопланади.

VII. Марказнинг халқаро алоқалари

- 32. Марказ хукуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш, хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, тегишли халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли асосда илмий ахборотлар алмашиш ишларини йўлга қўяди, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқаларни амалга оширади. Марказ тингловчилар учун ўқув жараёнининг муайян қисмини ва ходимларнинг тажриба орттиришини етакчи хорижий илмий ва ўқув марказларида, фирмаларда ва халқаро ташкилотларда мустақил равишда ташкил этиши мумкин.
- 33. Марказда чет эл фукароларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, Марказ профессор-ўкитувчилари ва тингловчиларининг хорижий давлатлардаги ўкув ва илмий-тадкикот ишлари, тажриба орттириши халкаро шартномалар, давлат органлари ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилади.

VIII. Якунловчи қоидалар

- 34. Марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 35. Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан киритилади.

330-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июлдаги 212-сон қарорига 2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўгрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. 1-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.
- 2. 3-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «3. Белгилаб қуйилсинки, Юристлар малакасини ошириш марказида:

давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда адлия, суд, юридик ҳизмат, адвокатура бўйича ҳуқуқшунос кадрлар қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

захирада бўлган ва илк бор фукаролик ишлари бўйича туманлараро (шахар) ва жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари раислари ва судьялари, округ ва худудий харбий судлар раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик суди хамда вилоятлар ва Тошкент шахар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига такдим этилаётган шахслар уч ойлик махсус курсларда ўкитиладилар;

юридик олий таълим муассасалари хукукшунослик фанлари профессорўкитувчилари малака оширадилар;

бошқа соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш буйича шартнома асосида уқишлар ташкил этилади;

хукуқшунослик сохасида илмий тадқиқотлар амалга оширилади;

хуқуқшунос кадрларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

хукукшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади».

- 3. 6-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «6. Марказнинг директори ва унинг ўринбосарлари, профессор-ўкитувчиларига олий таълим муассасалари ва илмий-тадкикот муассасаларида амалда бўлган мехнатга хак тўлаш микдорлари, колган ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари мехнатига хак тўлашнинг амалдаги шартларига мувофик тариф ставкалари белгиланади».
 - 4. Қарорнинг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.